

ЕВРОПАНИНГ БЎЛИНИШНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚЎШИЛГАН САЛМОҚЛИ ҲИССА

(Давоми. Боши 1-бевда).

олиб келади. Бундай бўлишга ҳозир теъдир бошлаган, муаммолар ва таъшишларга тўлиб тошган, халқларнинг яхшироқ ва аниқ-равшан яшашга интилиши аниқ-равшан намоён бўлган дунёда яшаётганимиз сабаб бўлиши мумкин. Шу муносабат билан бизнинг халқларимиз, уларнинг сие-сатлари ўртасидан муносабатларда вужудга келган ишонч муҳитининг ниҳоятда катта ютуқ эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бундан бундан кун ҳам, биз оцаётган истибқоблар ҳам бўлмасди, деб ўйлайман. Биз ишни бошлаб юбордик, мен бунга тайёман. Илтифотингиз ва меҳмондўстлигингиз учун миннатдорман. Хамкорлик белгиси сифатида қўлингизни қисмоқчиман.

Кутлов сўзларидан кейин иккала раҳбар Г. Коллинги шунанга ўтиштириб, бу ерда улар юзма-юз суҳбатлашди.

Сўнгра музокаралар кенгайтирилган таркибда давом эттирилди. Музокараларда Совет делегациясининг аъзо-

лари, ГФЖдаги бир қанча вазирилари ва идораларнинг раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Музокаралар тугатилганда кейин иккала мамлакат раҳбарлари билан уларга ҳамроҳ бўлган кишилар федерал канцлер маҳамаси ёнда жойлашган ГФЖ ҳукумат бошчилигидаги ўқитиш бўлими саройига ўтишти. Бу ерда иккала мамлакат ва халқлар ўртасидан сифат жиҳатдан янги муносабатларга асос солувчи Совет — Германия аҳдономалари мажмуини расмийлаштиришни нихосига етказилган бир қанча ҳужжатлар имзоланди. Лекин уларнинг аҳамияти икки томонлама муносабатлар доирасидан четга чиқадди. Улар ўқитишга аниқ ясаб, Европа бўлини кетишининг олдини олишга ҳамда мустақкам, адолатли ва тинч Европани бунёд этишга, шу жумладан, хавфсизликнинг барқарор тузилмаларини яратишга салмоқли ҳисса қўшадилар.

Шу ҳужжатларнинг энг асосийси бўлган янги қўшнчилик, шериклик ва хамкорлик тўғрисидаги шартномани ССЖН Президентини

М. С. Горбачев билан ГФЖ федерал канцлери Г. Коль имзоладилар. Ҳужжатини имзолаш чоғида Совет томонидан Э. А. Шеварднадзе, С. А. Ситория, М. А. Монсеев, А. С. Черныш, Ю. А. Квиринский, В. М. Фалин, В. П. Терехов, Германия томонидан — Г. Д. Геншер, Г. Штойленберг, Х. Хаусман, Т. Вайгель, Н. Блюм, бошқа расмий кишилар ҳозир бўдилар.

Ҳужжатни имзолаш маросимида Г. Коль билан М. С. Горбачев нутқ сўзладилар.

Томонларнинг вакиллари иқтисодиёт, саноят, фан ва техника соҳаларида кенг кўламли хамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатларни шартномани, меҳнат соҳасида хамкорлик қилиш тўғрисидаги битимни ҳам имзоладилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин М. С. Горбачев билан Г. Коль бир-бирликда журналистлар билан учрашув ўтказдилар.

Кечкурун федерал канцлер ва унинг рафиқаси М. С. Горбачев ва Р. М. Горбачева шарафига зиёфат берилди.

Г. Коль билан М. С. Горбачев нутқ сўзладилар.

ИНҚИЛОБ ФАРЗАНДЛАРИ

Октябрь инқилобнинг учинчи кунки доҳий Ленин ташаббуси билан совет миллиси ташкил этилганда, Кеца шу санага роппа-роса 73 йил тўлди. Утган давр мобайнида ички ишлар хизмати ҳодимлари халқ мулкни қуриқлаш, жиноятчиликка қарши кураш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш учун тинимсиз изланиб, ўз бурчларини астойдил адо этиб келмоқдалар. Босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканми, осяишталек посбонларнинг мамлакатимиз ҳамда жумҳуриятимиз тарихига залворли саҳифалар битишганининг гувоҳи бўламиз.

Ўзбекистонда ҳам Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашган милиция ходимлари ўзларининг сўмасиш-шўқратлари билан ўчмас из қолдирдилар.

Бугунги кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва жумҳурийат ҳукумати ички ишлар органларига нисбатан талабчанликни кучайтириш билан ҳуқуқ тартибдорлиги муҳофаза этиш фаолиятини янада такомиллаштиришга интиломодалар. Ҳаммадиларимиз иختирига янги техника воситалари, автомашиналар берилди. Бу эса жиноятчилик билан курашишда ўз самарасини бермоқда.

Бундан ташқари милиция сафларига сиесий онгли, касб маънасига эга ходимлар қабул қилинди. Шунингдек, жумҳурият Ички ишлар вазирилик, унинг вилоятлардаги бошқармалари, шаҳар ва район ички ишлар органлари ҳам бирмунча мустаҳкамланди.

Кейинги пайтларда милициянинг асосий кучи ҳисобланган жиноят қидирув, тергов, социалистик мулкни талон-торож этишга қарши ку-

рашиш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш, соқчилик бошқармалари, давлат автотранспорт инспекцияси хизматлари ҳам сифат, ҳам сон жиҳатидан кучайтирилди.

Барча соҳада бўлгани каби милицияда ҳам илгирин муваффақияти ҳар бир ходимнинг вазифига масъулият билан ёндашишига боғлиқ. Ички ишлар органлари талабчанликка эътибор ортаётир. Корхона, муассаса, ўқув юртлари ва аҳоли ўртасида ҳисобот бериш йўлга қўйилди. Жиноятчиликка қарши курашишда халққа таълим иш олиб борилаётир.

Оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилаётган ишлар ҳам жонлантилди. Ҳумладан, рўномада, ойна жаҳон ва радиодид милициянинг сермашақат, аммо шарафли ишлари кенг ерилмоқда. Жиноятчиликни бартараф этишга ҳеч ким четга турмаслиги, бу ҳаракатда ҳар бир фуқаро фаол катнашишига янада мақсадга эришиб, қонуғузарлик илдини қуритиш мумкинлиги тарғиб этилмоқда. Бу эса шубҳасиз ўз самарасини бермоқда. Матбуот саҳифаларида мунтазам босялаётган «02 хабар қилинди», «Ички ишлар вазирилик матбуот марказидан» материаллари ва телекурсатувлари, «Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазириликда 15 дақиқа» радио эшиттиришлари халқ ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бундан ташқари вазирилик демократия ва ошқораликка таълим меҳнат жамоалари ҳамда аҳоли билан ўзаро хамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб, салмоқли натижаларга эришти. Ходимларимиз жойларда учрашулар, баҳс-мунозара кечалари уюштиромодалар. Бундай мулоқотлардан кўзланган

мақсад милиция иши ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганишидир.

Ишимиз шарафли, айна пайтда оғир ҳамдир. Шундай вазиятлар бўладикки, киши ҳаёти ўлимга элтувчи хавф-хатарга дуч келади. Афсуски, баъзан бундай тўқнашулар фожа билан аяқланади. Утган тўқтинчи ой мобайнида жумҳуриятимизда ўз хизмат бурчини адо этиб турган 19 ходимимиз ҳалок бўлди.

Ишга махсус милиция мактабларини битирган, шунингдек, меҳнат жамоаларининг таъясиси билан ёшлар қабул қилинаётгани ҳам юқоридаги масъулиятдан келиб чиқмоқда. Шундай бўлса, сафимизга баъзан ноқис нимсалар кириб келишяпти. Бундайлар учун бурни, касб масъулияти, қасамбўга саломат тушунчалари ёт. Улар онгини мансабидини сунистьезмоқ қилиш, бойлик орттириш каби ярамсиз фикрлар эгалланган. Биз ҳеч иккиламмай бундайларни ишдан четлатаймиз. Шахсий тартиблар ҳар йил синовдан ўтказилайти, Сафларимизни тозалаш ва мустаҳкамлашда жамоатчилик қўмагини яқиндан ҳис этаймиз.

Юқоридаги каби тадбирларнинг кенг қўлланлиятига қарамай жумҳуриятимизда қонуғузарлик ўтган йилга нисбатан бирмунча ортди. Айниқса, оғир жиноятлар содир этиш одам ўлдирш (суиқасд), боқинчилик, талончилик, ўғирлик, номусга тегиш, давлат мулкни талон-торож қилиш, фуқароларнинг шахсий мулкни ўғирлаш каби жиноятлар кўпайди.

Ҳамиятимиз учун ёт бўлган бундай иллатларнинг кенг томир оетаганини фақат

бизнингиз эмас, балки кенг халқ оммасини ҳам жиддий ташвишлантирмоқда.

Бугун олдимизда турган энг муҳим вазиятлардан бири уюшган жиноятчиликнинг пайини қирқитишдир. Бу ҳақда кўп гапирилмоқда. Гурӯҳ-гурӯҳ бўлиб жиноят содир этиш илгарилари ҳам бор эди. Аммо турғунлик даври ошқораликни ёқтириб берди. Шу боис унинг қучқур идиз отишига йўл қилинди. Ҳозирги кунда Ички ишлар вазириликда, вилоятларда қуролланган жиноятчиларни фош этиш учун махсус бўлимлар иш олиб бормоқда.

Бир мисол: ўтган йил 26 декабрда ўтар кечаси Сирдарё шаҳрида оғир жиноят содир этилди. Номатўли кишилар Геттеллар хонадонига бостириб кириб, ўй бекасини, икки ўглини ўлдирдилар. Беш яшар гўдагини, етимни ёшлардаги аели оғир жароҳатлаб, қимматли оғир кетишди. Милиция ходимлари тадбирдорлик билан иш қуритилди натижада ўғатез кунда қўлга туширилди. Жиноятчилар ўз айбларини қирор бўлиб, уларнинг иккиси ўлим, қолган иккиси эса 15 йилдан намоқ жазосига ҳукм этилди.

Самарқанд давлат архитектура билимгоҳи ходими А.ни икки номатўли шахс қуритиб, ҳаёти хавф остида эканлигини айтиди ва 10 минг сўм пул талаб қилди. А. милиция бўлимига мурожаат этди. Натижада жиноятчилар ходимларимиз томонидан қўлга олинди.

Еки бошқа бир мисол. Янгибўл шаҳар ички ишлар бўлимига савдо ходими М. мурожаат этиб, етти яшар ўглини ўғирлаб кетишганини маълум қилди. Вола эвазига жиноятчилар ундан катта миқдорда пул сўраганлар.

Бу ишга яна осяишталек посбонлари аралашдилар ва жиноятчи пул олаётган пайтда қўлга олинди.

Ормонқизде район ички ишлар бўлими участка вазири, милиция лейтенанти Абдусаттор Абдуразофов шунингнинг 13 сентябрда жиноятчилар ҳужумига дуч келди. Бир ўзи тўрт қарқон билан олдишиб, оғир араланишга қарамай улардан бирини ушлаб қолмишга муваффақ бўлди.

Ўшлик Гофурова ва Исмомлова эса вазирилари йўллардан мактубларда вилотларда бўлиб ўтган тўполонларни эслайдилар. Уларни бошлар берган бир гурӯҳ экстремист тўдаларини қоралайдилар. Шу билан бира улар ўзбек ва кирғиз миллатларининг азалий қарошлигини таъйирлаб, бу дўстликка раҳна солувчиларни лантлатдилар. Хат муаллифлари бу воқеаларда мардик ва жасорат намуналарини кўрсатган ўзбекистонлик милиция ходимларига, жумладан Андижон вилоти ички ишлар бошқармасига, Хўжаобод район милиция бўлими ходимларига ўз миннатдорчиликларини билдиришган.

Ҳа, мисоллар талайгина. Ички ишлар органларида ўз хизмат вазифасини жоқсак савдоқот билан бажариб, сийқилдан ишлаётган ходимлар номларини кўплаб келтиришимиз мумкин.

Анъанавий байрам билан жумҳуриятимиз милиция ходимлари ҳамда шу соҳа ветеранларини қўтайимиз, уларга сийҳат-саломатлик, ҳаётда ва меҳнатда муваффақиятлар тилаймиз.

Т. МУРОДХҲАЕВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазири муовини, милиция полковниги.

Далил ва шарҳ

МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ: БОЗОР АРАФАСИДА

Андижон шаҳрида ички кун давомида матлубот кооперациясининг таъкидотий фаолиятига бағишланган жумҳурият семинари бўлди. Унда Қорақалпоғистон муҳтор жумҳурияти ва Ўзбекистон вилотлари матлубот уюшмаларининг раҳбарлари, янги иқтисодий муносабатлар шартноматда хоржий давлатлар ва хусусий фирмалар билан алоқа боғлаб турадиган мутахассислар қатнашдилар.

Семинар ўтказилган «Андижанвишекоопторг» бирлашмасида ортқиқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — пилла ва пахтадан қайта ишлаш натижада қолган чиккидиларини сотиш, асал, мева, курталган ва янги узилган пилсени сотиш борасида хоржий шериклар билан савдо қилишда бирмунча тажриба тўпланган.

Семинар қатнашчилари маъзур бирлашма жамоасининг, бир қанча ноҳия матлубот жамяятларининг фаолияти билан, аҳолидан ортқиқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва уни сотишни таъкид этиш билан танишдилар.

УзТАГ мухбири семинар тугаши билан «Ўзбеккоопвешторг» бирлашмаси бош директори С. Л. Тонияевдан жумҳуриятимиз матлубот кооперациясининг таъкидотий иқтисодий ва ички алоқалари муаммолари тўғрисида гапириб беришни илтимос қилди:

— Истеъмол бозоридан танглик пасаийш ўрнига, кучайиб бормоқда. Шу сабабдан бозор иқтисодиётига ўтишга ҳозирлик қилишга алоҳида аҳмият берилмоқда. Барча вилотларда моллар гамаиб қўйилмоқда, матлубот кооперациясида оила, иккара пудратларини ва пудрат ишларининг бошқа шакллари янги ички ишлар ояси билан фаол иш олиб боришмоқда. Майда, кам даромадли корхоналар хусусий кишилар қўлига топширилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш ва қайта ишлашни қўлайтиришга доир тадбирлар қўрилмоқда. Бозор шароитида уни хизмат қил моллар билан тўлдиршишни муҳим таъбиладимиз тарқиқасида харид қилинаётган молларни обортта ялловчи борича кўпроқ жалб этилди. Бунда хоржий кооператив ташкилотлар ва фирмалар билан иқтисодий алоқалар катта аҳмият касб этяди. Ўзбекбирлашув бошқаруви ана шу ишларни жадаллаштириш мақсадида «Ўзбеккоопвешторг» хўжалик ҳисобидан бирлашмасини тугазди. Ҳозир Афронистон, Хитой, Греция, Австралия, бошқа мамлакатлар билан бевосита алоқалар йўлга қўйилди. Чунончи, ўтган йили молларимизнинг катта қисми чет элга юборилган эди, унинг эвазига хоржий мамлакатлардан 202 миллион сўмлик саноят моллари ва маҳсулотлар олинди.

Бот уюшмаси кооперативларидан бири Афгонистон фирмаси билан жаҳон бозориданги нисбатан 3-4 барабар қиммат нарҳда газлама ва видеокамералар харид қилиш тўғрисида шартнома тўзди. Бундай шартномаларнинг амал қилиши ўз вақтида тўхтайтилаётганлиги кўнгилдангидек бўлди.

Ана шу барча ҳодисаларга етарли баҳо берилди. Лекин партиа назорати комитети ўтказган текшириш натижалари юзасидан Ўзбекбирлашув бошқаруви қабул қилган қарор қонқараси бажарилмоқда. Шу сабабдан йилга яқун ясалаятган пайтда маъзур масалаларга яна қайтишга мажбур бўламиз. Давлат ва иккара иқтисодини ҳамда барча даражадаги ходимлар масъулиятини ошириш асосий вазифамиз эканини тушуниб етадиган вақт келди. Ана ҳолда бозор иқтисодиёти кўз кўрмас қийинчиликларни тўғдириши мумкин.

Бизнинг бозор иқтисодиёти шартноматидан вазифамиз — ўз экспорт ресурсларини илочи борича кўпроқ сафарбар этишдир. Центросоюз ССЖ Иттифоқи билан иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари матлубот кооперациясининг хоррида давлат экспортига тегишли, бир қанча молларини сотиш юзасидан ўз йилини сақлаб қолтиш масаласини кўймоқда, бу нарса маъзур шерикчилик муносабатларидан яхшироқ фойдаланиш ва чет эллардан кўпроқ мол олиш имконини беради.

Қўшма корхоналар, айниқса мева ва кўн ҳам ашёсини қайта ишлайдиган корхоналарни ташкил этиш борасидаги ишларни авк олдириш назарда тутилмоқда. Бу эса «Ўзбеккоопвешторг»нинг мувофиқлаштирувчилик фаолиятини мустаҳкамлашга, вилот матлубот уюшмаларининг таъкидотий фаолиятини фақат бирлашмаимиз орқали амалга оширишни талаб этади.

Жумҳуриятимиз аҳолисини ояқи-оқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолари қизиқтириши, шубҳасиз, Харид қилиш умумий ҳажмининг 50 фоизини ояқи-оқат маҳсулотлари ташкил этиш учун хоржий мамлакатлардан сотиб олинаётган моллар рўйхатини ўғартириш назарда тутилмоқда. Ўтган йили ана шу кўрсаткич атиги уч фоизни ташкил этганди. «Ўзбеккоопвешторг» бирлашмаси жумҳурият ҳукумати ва Ўзбекбирлашув бошқарувининг топширигига мувофиқ хорридан кўплаб товуқ, гўшт консервалари, картошка, макарон маҳсулотлари олиш учун шартномалар тўзди ва ҳужжатларини имзолади. Хуллас, бозор муносабатларига ўтиш билан ишлар кўпайди, бундан эса қўтилиш мумкин эмас.

Бундан ташқари милиция сафларига сиесий онгли, касб маънасига эга ходимлар қабул қилинди. Шунингдек, жумҳурият Ички ишлар вазирилик, унинг вилоятлардаги бошқармалари, шаҳар ва район ички ишлар органлари ҳам бирмунча мустаҳкамланди.

этиш учун қандай тайёрларлик қўрилганлиги, жиноят режасини у содир этилгунга қадар қандай амалга оширилганлиги тўғрисида мафассал маълумот берди. Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг аниқ ҳаракат қилишлари туфайли жиноятчилар олдини олишга муваффақ бўлинди. Бироқ, маълумки, Шмонов хар қалай мулккага олмасдан бўлса, ички марта ўз узишга уларди. 8 июль — кун ССЖН Бош прокуратурининг ўринбосари Я. Дзенинскан Шмоновни намоққа олиш учун рўхсат олинди.




Янгиқўрғон районидagi «Гудшан» давлат хўжалигининг сохиборлари жорий йилда 700 гектар ерлар мўл узум ҳосили эшитиришди. Унинг 400 гектар экинини винобон навлар ташкил этади. Шу боис хўжалик раҳбари ташаббус билан вишулук қуришга киришганлиги. Уч ойлик тинимсиз меҳнатдан сўнг маҳсулотни қайта ишловчи цех ишга туширилди. Натижада ҳосил ипишиб етилгандан бунён ерда 300 тонна узум

шарбати, 400 тонна вино тайёрланди. Ҳисоб-китобларга қараганда, вино пункти хўжаликка дастлабки ойдаёқ мўмай даромад келтирди.

СУРАТЛАРДА: 1. Янги вино пунктида 2. Хўжалик директори Нейматжон Курбонбоев (чапдан), лаборант Ҳаким Мансуров ва пункт мудири Собиржон Ортиқов.

А. КОВТУН олган сурат. (ЎзТАГ).



СПОРТ АХБОРОТИ

КЕЛГУСИ БОСКИЧГА ЙУЛЛАНМА

Европа соврини учун муСОБАқаларнинг (футбол) яна бир боскични орқалда қолди. Улардан муваффақиятли ўтган командалар курашини давом эттириштилар. Улар орасида мамлакатимизнинг уч вакили ҳам бор.

Гапни энг нуфузли чемпионлар соврини учун баҳслардан бошлайдик. Бунда совет футбол шарафини Москанин «Спартак» командаси ҳимол қилмоқда. Поштақ футболчилари навбатда боскичда қўнанинги кучли клублардан бири —

Италия чемпиони Неаполнин «Наполи» командаси билан учрашдилар. Бу жамоанинги машҳурлигига яна бир сабаб унинг таркибида жаҳонга донги кетган, аргентиналик футбол юлдузи Диего Марадона ўйнайди. Унинг майдонга тушишини кўпчилик доим тўр қизиқиш билан кўтиб олади. Марадонининг мамлакатимиз пойтахтига келиши ҳам шубҳасиз бўлди. Аммо ишчибозлар бу сафар унинг йилини билан қўла-қўли танишини имкониятига эга бўлмадилар. Негаки, у фақат иккинчи бўлимда майдонга тушди. Там олиш керак: оя вақтининг ўзидек Диегонинг

катта футбол устаси эканлиги кўрсатди. Бир неча бор шерикларига аниқ тўп узатишлари билан хавфли вазиятлар содир этди. Аммо бу самара келтирмади.

Умуман олганда учрашув спартакчилар устулунлигига ўтди. Улар меҳмонлар дарвозасини бир неча марта ишғол этишлари мумкин эди. Аммо кўлай имкониятлардан фойдаланмадилар. Қўшимча вақтда ҳам дарвозалар даҳлсиз қолди. Натижада учрашув ҳамма икка-ла томонга беш мартадан ўн бир метрик тўп тегишини белгилади. Уларни аниқ бажариш спартакчилар келгуСИ боскичга йўлланма берилди. Марадона командаси эса муСОБАқалардан чиқиб кетди.

Соврин эгалари соврини учун баҳсларда қатнашаётган Киев динамочилари ҳам келгуСИ боскичда ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Улар Прагада маҳаллий «Дукла» клуби билан бўлиб ўтган такрорий учрашувини

«БИЗГА ҲАМ ОСОНМАС»

Шу йил сентябрь ойининг сўнгги жумаси эди. Кечки соат саккиз яримлар чамаси. «72—13 АНБ» рақамли кававали мотоцикл хайдовчиси Р. Исқандаров йўл ҳаракати ҳодисаси оқибатида бевақт оламдан ўтди. У Марҳумат шаҳрида ҳат ташувири бўлиб ишларди. Ондигина йигирма саккиз ёшга қоралаганли.

Воқеа Марҳумат-Асака йўлида содир бўлди. Қарама-қарши томондан келаятган «Д 80—37 АН» рақамли «Янгули» автомашинасига Р. Исқандаровнинг мотоцикли урилди. Фожа содир бўлди. Мотоциклдаги бошқа йўловчилар эса оғир жароҳатланди. Уларни райондаги марказий касалхонага ётқизишди. Шу кунларда бу иш бўйича тергов давом этамоқда. Гап бошқа масала хусусида.

Марҳумнинг жасадни юк автомашинасида район ички ишлар бўлимига олиб келинди. Энди уни Андижон шаҳрига — суд-тибий экспертиза қидириш учун юбориш керак. Ҳадеганда транспорт топилмади. Марҳумат район ички ишлар бўлими давлат автомобил инспекцияси бўлимидаги бошқаруви А. Мадраҳимовнинг боши коти.

— Бизга ҳам осонмас, — дейди у дардини яширолмади. — Район ички ишлар бўлимига «Ленин комсомоли» ва «Комсомоли 60 йиллиги» совхозларидан биттадан «ЗИЛ—130» автомашинаси навбатчиликка чиққанди. Ўн литр ёнгли билан бўлимга етиб келди. Автомашиналарга ажратилган ёнглининг ярми хўжаликдан районга келгунча, ярми эса яна совхозга қайтқунча сарфланишини ҳайдовчилар ҳам айтишмоқда. Бундан қўра навбатчиликка автомашини бермай қўя қилишимиз? Бундай қилишса, район иккони комитетининг 1989 йил декабрь ойидаги кўрсатмасини бажариламан бўлади. Бу кўрсатмада жамоат тартибининг сақлаш, район ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун ҳар кун ички хўжаликдан биттадан авто-

машина навбатчиликка ажратилиши, уларнинг лартирига қамади йигирма дитрдан бензин берилиши керак, деб таъкидланган.

Хўжаликларнинг раҳбарлари район иккони комитетининг кўрсатмасини нега ярим-ёрти бажарганларини ўзлари изохлаб беришар. Ленин шунини афсус билан билганларини жасадини Андижонга олиб бориш орасида бенин қидириб роппа-роса уч ярим соат вақт кетди.

Яна бир масала хусусида. Марҳумат районда ҳаракат хавфсизлиги қондалари тез-тез бузилаётгани. йўл ҳаракати ҳодисалари камай-метгани ҳам кишини ташвишга солади. Утган тўқтинчи ойда 73 марта йўл ҳаракати ҳодисаси кўз берди. 82 киши турли даражада жароҳат олди. Область иккони комитети ички ишлар бошқармасининг давлат автотранспорт инспекцияси раҳбарлари бу аҳолини чуқур таҳлил қилиб, муносиб баҳо беришар.

Жумҳурият Ички ишлар вазирилик давлат автомобил инспекциясининг йўл ҳаракати бўлими, милиция майори Э. Муҳитдиновдан ўқоринда тизга олганда, транспорт муаммолари фақатини шаърида беришни илтимос қилганимида, у қўндагиларни маълум қилди.

— Ҳозирги пайтда жумҳуриятимизда йўл ҳаракати инспекциясининг вилот ва районларда пулим ҳамда бўлималари махсус транспорт воситалари билан талаб-оқтининг бор-йўғи 58,2 фоизга таъминланган. Жумладан, Андижон вилотидаги ички ишлар бошқармаси давлат автомобил инспекцияси ходимларини транспорт билан таъминлаш да-ражаси яна ҳам паст—42,5 фоизни ташкил қилади, холос.

У сўзининг охирида, маъзур автотранспорт военталарининг ачангига қисми хизмат муддатини ўтаб бўлганини ачиниш билан таъкидлади.

Д. ҚИРГИЗБОВ,

КОВИЛ, «НЕФТЯНОК» ВА «НАВБАХОР!»

Иккинчи поғона шарқий минтақасида мамлакат биринчиликни ниҳоятга етди. Унда жумҳуриятимизнинг ички вакили — Фарғонанин «Нефтяник» командасининг «Навбахор» командалари муваффақиятли ўйнадилар. Улар биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаб, келгуСИ йилда мамлакат чемпионатициги биринчи поғонасига йўллама олишди.

Бу қўш гадаба жумҳуриятимизда яшовчи кўп сонли футбол иштиробларини бениҳти қувонтирмоқда. Негаки, кўп йиллардан бери амалга ошмаётган эъгу ниет рўёба чиқди: биринчи поғонада «Пахтакор» учун муносиб ички ўринбосар тайёрланди.

Муҳаррир вазифасини бажарувчи Н. ЕКУБОВ.

Илгари хабар қилингандек, 7 ноябрь кунини Қизил майдонда байрам наомийиши чоғида кирқма о миллигидан икки марта ўз узган Ленинградлик нима шуланган эди. ТАСС мухбири А. Коротков бу воқеани шайхулаб беришни сўраб, ССЖН Давлат Хавфсизлиги комитети тергов бўлимининг алоҳида муҳим ишлар билан иштгуланувини терговчини И. Соколовга мурожаат қилди.

ЖИНОЙИ ИШ ҚЎЗГАТИЛДИ

— Дастлабки материалларни ўрганиб чиққанмианда кейин биз террорчилик ҳаракати қилишга уринишда айбоб жиноят иш қўзғатдик, — дейди у. — Ушланган одам 1952 йилда тутилган илтари Никорск заводида олесар бўлиб ишлаган, ҳозир ҳеч бериб яшаймаётган А. Шмонов бўлиб чиқди. Гумонсизиланган одам сифатида сўроқ қилинган Шмонов жиноятни содир

Ўзбекистон ССЖда ўтказилган 1990 йилги ёшлар пул-буюм лотереяси ютуқлар тиражининг

РАСМІЙ ЖАДВАЛИ

Тираж 1990 йил 2-3 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Тиражда лотереянинг 10 разрядга жазми миқдори 8.000.000 сўмлик 3.290 та буюм ва 21.260 та пул ютуқлари ўйналди.

Ўш лотереянинг бир разрядига ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар 10 та разряддаги тегишلىк серия ва номерлардан лотерея билетлари бўйича берилди. Масалан, жадвалда билет номери 070 серия

номери 009197 бўлган лотерея билети «Волга ГАЗ-24» автомашинасини ютуқлиги кўрсатилган. Бу ҳудуд шу ютуқ барча разрядлардаги серия ва билет номерлари кўрсатилган бўлган лотерея билетларига ҳам чиққанини билдиради. Бошқа буюм ва пул ютуқлари ҳам шу тартибда ўйналади.

Серия ва билет номерлари қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

Table with columns: серия номерлари, билет номерлари, Буюм ютуқнинг номи, Буюм ютуқнинг миқдори, Буюм ютуқнинг сўмлардаги пул қиймати. Rows include items like «Подольск» тикув машинаси, «Ракета» электр чангюттичи, «Восход-3М» мотоцикли, etc.

Table with columns: серия номерлари, билет номерлари, Буюм ютуқнинг номи, Буюм ютуқнинг миқдори, Буюм ютуқнинг сўмлардаги пул қиймати. Rows include items like «Жигули» ВАЗ-21063, «Снежинка» холодиольниги, «Рекорд Ц-280» телевизор, etc.

Table with columns: серия номерлари, билет номерлари, Буюм ютуқнинг номи, Буюм ютуқнинг миқдори, Буюм ютуқнинг сўмлардаги пул қиймати. Rows include items like «Снежинка» холодиольниги, «Волга ГАЗ-24» автомашинаси, «Жигули» ВАЗ-2109, etc.

Table with columns: серия номерлари, билет номерлари, Буюм ютуқнинг номи, Буюм ютуқнинг миқдори, Буюм ютуқнинг сўмлардаги пул қиймати. Rows include items like «Волга ГАЗ-2410», «Жигули» ВАЗ-21063, «Снежинка» холодиольниги, etc.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси босмахонаси. Д. - 28610. Напрётийнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени. ТИРАЖ КОМИССИЯСИНING РАИСИ — ХАК ДЕПУТАТЛАРИ КИРОВ НОИЯСИ Кенгаши мижроа комитети раисининг ўринбосари М. Н. УСМОНОВ. ТИРАЖ КОМИССИЯСИНING МАСЪУЛ КЎТИБИ — А. М. ҲАЯДАРОВ.